

Файзиев Х.Т.,

т.ф.н., Темурийлар тарихи Давлат музейи директори

«МУЗЕЙШУНОСЛИК» ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИГА ТАҚРИЗ

[Масъул муҳаррирлар: т.ф.д., проф. А.А. Маврулов,

т.ф.н., доцент З.А. Саидбобоев]

(Т.: Турон-Иқбол, 2018. 260 б.)

Халқнинг бой тарихий-маданий меросини асрашда, уни ўрганишда, турли соҳаларда эришилган ютуқларни дунёга танитишда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни катта. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳозирги янгиланиш жараёнларида ҳам маданий меросга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017 йил 11 декабрда Ҳукумат томонидан ўн йилга мўлжалланган давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилиниши муҳим ҳодиса бўлди.

Музей тарихчилар фаолият олиб борадиган соҳалардан бири эканлиги ҳам уларнинг касбий тайёргарлигида музейшунослик фанининг ўрни муҳимлигини кўрсатади. Албатта, бу фандан маълум ўқув ва услубий ишлар чоп қилинган. Шу билан бирга музей ишини ташкил этиш бўйича фаолият йўналишлари, назария тобора ривожланаётгани, илмий методика такомиллашиб бораётгани янги ўқув адабиётларини тайёрлашни тақозо этади. Агар узоқ йиллардан буён олий таълим муассасаларининг тарих йўналиши учун музейшуносликдан дарслик яратилмаганлиги инobatга олинса, ўқув адабиётига бўлган талаб ошади. Бу масала Ўзбекистонда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган туризм соҳасини ривожлантиришга эътибор берилаётган ҳозирги шароитда янада долзарблик касб этади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ томонидан «Музейшунослик» ўқув қўлланмаси тайёрланиши айни муддао бўлди.

Ўқув қўлланма 10 мавзудан иборат бўлиб, унда дастлаб музей фондларини жамлаш ва каталоглаштириш, музей ашёларига илмий маълумотнома аппаратини тузиш, музей педагогикаси ҳамда уни жорий қилиш тажрибалари миллий ҳамда хориж амалиётида шаклланган тамойиллар асосида, изчиллик билан ёритилган.

Ўқув қўлланмада музей соҳасини ривожлантиришда халқаро муносабатларнинг роли масаласига алоҳида ўрин берилган бўлиб, Музейлар халқаро кенгаши (ИКОМ) ташкил этилиши, маданий мерос бўйича халқаро конвенциялар, А.Т.А. карнет хужжати ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, ўқув қўлланмада Лувр, Британия, Метрополитен, Миср музейлари, Уффици галереяси, Лондон Миллий галереяси, Эрмитаж, Олмос фонди, Третьяков давлат галереяси каби дунёдаги машҳур музей ва галереялар бўйича материаллар ҳам берилган.

Китобда Ўзбекистон ҳудудида музей ишининг шаклланиш жараёнлари ҳамда ривожланишнинг кейинги босқичлари атрофлича ёритилган. Муаллифлар мамлакатдан олиб чиқиб кетилган музей экспонатларини қидириб топиш, ўрганиш ва қайтариб келтириш масаласига ҳам тўхталиб, бу борада 2017 йили Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ташкил этилиши аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашган.

Умуман олганда, қўлланмада тузилиш жиҳатидан музей иши тарихи, назарияси ва илмий методика масалалари қамраб олинганлиги ҳамда улар ўзаро боғлиқликда баён этилганлиги диққатга сазовор. Яна эътиборли жиҳатларидан бири – ҳар бир мавзу мустақил, тугал мазмунга эга бўлиб, муайян масала ёритилишида тушунчаларнинг моҳияти аниқ ва равшан берилган. Ўқув қўлланма якунида таянч тушунчаларнинг глоссарийси келтирилган.

Ўқув қўлланма ёзилишида маҳаллий ва хорижий адабиётлардан, музей-шунослик бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган тадқиқотлардан унумли фойдаланилган. Бунга музей соҳаси бўйича фаолият олиб бораётган тажрибали ва етакчи мутахассислар, олимлар ҳамда педагоглар муаллиф сифатида жалб қилиниши билан эришилган. Улар қаторида Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори, т.ф.д. Ж. Исмоилова, т.ф.д., проф. Ш. Ўлжаева, т.ф.н., доц. Д. Курязова, т.ф.н., Ислом цивилизацияси маркази Музей ва экспонатлар бўлими бошлиғи Д. Қурбонова, шунингдек, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг кафедра мудири К. Нишонова, таянч докторант М. Мухамедовалар бор. Музей менежменти ва маркетинги билан боғлиқ масалаларни Ж. Адилов, А. Назаров, М. Азимбаев, жаҳоннинг етакчи музейлари фаолиятини А. Миркамилов сингари ёш олимлар ёритди. Ўқув қўлланма тайёрланишида археологик ашёлар, кошинлар ҳақидаги маълумотларни тавсифлашда эпиграфика бўйича етакчи мутахассислардан бири, манбашунос, т.ф.н. Б. Аминов иштирок этган.

Гарчи ўқув қўлланма тарих, архившунослик, тарих ўқитиш методикаси бакалавриат йўналишлари талабалари учун махсус тайёрланган бўлса-да, ундан туризм, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма мазмунан ва услубий жиҳатдан тарихга оид таълим йўналишлари бўйича ёзиладиган дарслик учун асос бўла олади. Шунингдек, уни ўқув жараёнига жорий этиш билан бирга музейлар фаолиятига қизиққан кенг китобхонлар оммасига тавсия этиш мумкин.
